

ТАЛАБАЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА
МУНОСАБАТИ (ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ)

Азизбек Эгамбердиев

АндДУ докторанти

Аннотация. Тезисда Ўзбекистондаги талабаларнинг олий таълим трансформациясига муносабати ўрганиб чиқилган. Аниқланишича, талабалар ўзлари ўқиётган олий ўқув юртларига аниқ мақсад билан киради. Шунингдек, ўқиш жараёнида ўз йўналишларини ўзгартириш истаги ҳам бор.

Калит сўзлар: олий ўқув юрти, талаба, ижтимоий сўров, муносабат, касб.

Талабалар жамиятнинг энг фаол қатлами бўлиб, улар ижтимоий жараёнларга ўта тез киришиб кетади ва ҳар қандай ҳолатга зудлик билан муносабат билдиришга қодирдир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистондаги олий таълим трансформацияси жараёнига талабаларнинг муносабатини аниқлаш ва бу борада социологик тадқиқотларга таяниш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда талабалар олдида турган муҳим муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, барча талабалар ўртасида сўровномалар ўтказилиб, уларнинг турли муаммолари батафсил таҳлил қилинган. «Талабаларнинг 100 минг нафарга яқини ишлаш ва қўшимча даромад топиш нияти борлигини билдирган.

Айниқса, улар орасида 7,5 минг чин етим ёки ногиронлиги бўлган ҳамда 4,5 минг нафар «темир дафтар»га киритилган талабалар бор.

«Бу рақамлар ҳақиқатдан анча юқори. Шунинг учун ректорлар ҳар бир талаба билан ўзлари мулоқот қилиб, ҳақиқий ҳолатни билиш ва уларни банд қилишга шахсан масъул», – дейди давлатимиз раҳбари.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда талабалар ишлаши мумкин бўлган 105 мингта вакант иш ўринлари мавжуд¹.

Қайд этиб ўтилганидек, талабаларни қийнаётган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш нафақат уларнинг билим олиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, балки мамлакатимиздаги ижтимоий барқарорликнинг ҳам муҳим шартларидан бирига айланиб бормоқда. Чунки Ўзбекистонда ҳозирги кунда 800 мингдан ортиқ талабалар бўлиб, уларнинг 500 мингдан ортиғи кундузги таълим шаклида таҳсил олади.

Олий таълимнинг ижтимоий институт сифатидаги аҳамияти, талабаларнинг касбий ориентацияси, уларни қийнаётган муаммолар ва бошқа масалаларни ўз ичига қамраб олган сўровномада 350 нафар талабалар иштирок этди. Талабалар Андижон, Фарғона,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котибининг расмий канали: https://t.me/Press_Secretary_Uz/1357

Тошкент ахборот технологиялари ҳамда Тошкент давлат транспорт институти, Жиззах педагогика ва Урганч давлат университетларида ўқийдиган контингентга мансубдир. Мазкур социологик тадқиқот дастурининг энг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлди:

Биринчидан, муаммоли вазият. Олий таълим трансформациясига таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ва ушбу омилларнинг талабалар ижтимоий онгидаги инъикоси ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш заруриятдир. Ўзбекистонда олий таълим трансформацияси давлат ва жамиятнинг диққат-эътибор марказида турибди ва соҳага оид ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Қўшни давлатлар, уруш бўлаётган давлатлардан талабаларни Ўзбекистонга кўчириш бўйича қатор акциялар бўлиб ўтди. Шу билан бирга талабаларни энг кам балл билан ҳам олий ўқув юртларига киришига имконият яратилди. Бу эса жамиятда олий таълим муассасаларига кириш истагида бўлган юз минглаб ёшлар учун имконият вазифасини ўтади. Шу билан биргаликда, олий таълим муассасаларида талабаларни сиғдириш ва юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлашда муаммолар юзага келаётгани кузатилди. Хусусий ОТМлари рақобат муҳити йўқлигидан фойдаланиб шартнома нархларини аҳоли яшаш шароитларига мос келмайдиган даражада қиммат белгилаши ҳолати кузатилди. Бу эса ҳозирги кунда олий таълим муассасалари билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Иккинчидан, олий таълимнинг ижтимоий муаммо сифатидаги ўрни жамиятда билимнинг қадрият даражасига кўтарилмагани, дипломнинг ўзини идентификация қилиш воситаси сифатида қабул қилиниши, касбий ориентациянинг йўқлиги ва олий таълим муассасаларининг жамият институти эмас, кўпинча тадбиркорлик субъекти сифатида мавжуд бўлаётгани кузатилмоқда. Олий таълим муассасаларининг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни минимал даражага тушиб қолган. Аҳолининг турли муаммоларини ҳал қилишдаги иштирок этиш кўрсаткичлари пастдир. Шу сабабли ҳам олий таълим тизими ижтимоий муаммо сифатида социологик тадқиқ этилишга муҳтождир.

Учинчидан, олий таълим трансформацияси илмий муаммодир. Трансформация жараёнига қайси омиллар ижобий, қайси омиллар салбий таъсир кўрсатишини аниқлаш, шунингдек, трансформация жараёнида унинг субъектлари ижтимоий кайфиятини ўрганиш зарурати мавжуд.

Ушбу социологик тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалардир. Тадқиқотнинг предмети эса олий таълим трансформацияси жараёнига талабаларнинг муносабатидир.

Ушбу социологик сўровда кириш қисми, реқвизит ва ахборот қисми мавжуд бўлиб, кириш қисмида сўровномани ўтказиш бўйича қисқача аннотация, реқвизит қисмида эса

асосий саволлар ва уларнинг вариантлари, ахборот қисмида эса респондент ҳақидаги асосий маълумотларни аниқлаш назарда тутилган.

Сўровномада дастлабки савол «Сиз айнан нима учун ушбу ОТМни танлагансиз?» деб номланган бўлиб, ушбу саволни беришдан мақсад талабаларнинг касбий ориентациясини аниқлаш ҳисобланади. Маълумки, олий таълим муассасаси маркетинг жараёнида ташкилотнинг умумий имижиси ва реклама тарғибот жараёнида ҳам бутун олий ўқув юртида ўқитиш сифатининг юқорилиги ҳақида қайғуради. Истеъмолчи – абитуриент ва унинг ота-онаси касбий ориентация жараёнида аниқ бир касбнинг ўқитилиш сифатига эътибор қаратмаслиги мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ўқиш жараёнида ва битирганидан сўнг маълум бир қийинчиликларга сабаб бўлади.

Университетларнинг реклама сиёсати бўйича олиб борилган маркетинг тадқиқотларида асосий эътибор абитуриентлар танлайдиган касбнинг мазмун-моҳиятига эмас, балки уларнинг яшаш-шароитлари, умумий рейтинг ва бошқа иккинчи даражали масалаларига эътиборни қаратишга уринадилар. Шу билан биргаликда, руҳий таъсир кўрсатиш воситалари орқали айнан шу ОТМни танлашга уриниш ҳолатлари ҳам учраб туради².

Қайд этиб ўтилган саволнинг жавоблари абитуриентларни қандай қилиб айнан мана шу олий таълим муассасасини танлаганини кўрсатиб бериши зарур эди.

1-расм. Олий таълим муассасасидаги устуворликни аниқлаш бўйича саволнома натижалари.



Ўқиётганларнинг 37 фоиздан ортиғи ҳам олийгоҳ, ҳам йўналишни назарда тутиб ўқишга топширганини эътироф этган. Бу кўрсаткич абитуриентларнинг онгли танлов қилганини, ўзлари ўқишга топширган йўналишни батафсил ўрганиб чиқиб, кейин олий таълим муассасасини танлаганини кўрсатиб турибди.

Респондентларнинг 28 фоизидан ортиғи эса айнан маълум бир йўналишни танлаганини эътироф этмоқдалар ва бундай контингент учун аниқ бир касбга эга бўлиш устувор хусусиятга эга бўлганини кўришимиз мумкин. Икки саволнинг жавобларидан келиб

² Как привлечь абитуриентов на бизнес-факультет РЭУ им.Плеханова: <https://thetargeting.ru/kapitanyi-rossii2>
Мурожаат этилган сана: 22.04.2022 й.

чиқиб айтиш мумкинки, мутлақ кўпчилик респондентлар ахборот маконидаги турфа хил маълумотларга қарамасдан ўз йўллари танлай олганини кўрса бўлади.

Талабаларнинг 29 фоиздан ортиғи эса олий таълим муассасасининг умумий йўналишидан келиб чиқиб ўқишни танлаганликларини маълум қилган. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари кўп профиллик эканини эътиборга олсак, бу борада касб танлашда маълум бир муаммолар борлигини сезиш мумкин. Мисол учун, Андижон давлат университетига тарих йўналиши билан биргаликда туризм ёки меҳмонхоналарга хизмат кўрсатиш каби йўналишлар ҳам бор. Бу ўринда абитуриентнинг олий таълим муассасасини маълум бир касб бўйича танлаш имкониятлари чекланган. Шу билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари ёки кимё технологиялари каби олийгоҳлар эса бир профилли бўлиб, бундай олийгоҳларни танлаш абитуриентлар учун анча осон кечиши табиий ҳолдир.

Жуда камчилик талабалар ўқиш жойининг уйига яқин эканлиги ёки бошқа вариант йўқлиги сабабли ҳам айнан шу олий таълим муассасасини танлаганликларини маълум қилганлар.

Иккинчи савол ҳам биринчи саволнинг мантиқий давоми бўлиб талабалардан ўқишга қабул қилинганидан кейин ўз танлаган касбга бўлган муносабати ўзгаргани сўраб ўтилган.

Респондентларнинг жавоби қуйидагича бўлиб, ушбу натижаларни таҳлил қилиш ва керакли илмий хулосалар чиқаришга ундайдиган масалалар йўқ эмас.

2-расм. Таълим жараёнида иштиёқни ўзгаришини аниқлаш бўйича саволнома натижалари.



Сўралганларнинг 56 фоиздан ортиғи ўқиш давомида танлаган касбларига бўлган қизиқиши ортганлигини маълум қилганлар. Бу олий таълим муассасалари ўзларига юклатилган энг асосий вазифа – талабаларни касбга бўлган қизиқишини орттиришга ва шу орқали уларнинг мустақил равишда катта ҳаётга кириб келишига шароит яратишга қаратилган ишларида маълум бир муваффақиятга эришаётганлигини кўрсатади.

Сўралганларнинг 31 фоиздан ортиғи эса олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида касбга бўлган қизиқиши салбий томонга ўзгариб, ўз келажагини мазкур касб билан

боғлай олмаётганини маълум қилган. Ушбу масала чуқур таҳлилга муҳтож муаммолардан биридир. Ҳаётини танловлар умр бўйи бўлмаслиги ҳам мумкин ва бу одатий ҳол деб қараш керак. Чунки касбий танлов ҳам психологик, ҳам иқтисодий ҳам фалсафий мазмунга эга. Абитуриентнинг ёши ва атрофидагиларнинг билим даражаси ва дунёқараши касбий танловлар ҳақида маълум бир тўхтамга келишига ёрдам беради. Касбий танловда оилавий анъаналар ва бошқа яқин алоқаларнинг ўрни катта бўлиши ҳам мумкин. Абитуриент касбга қизиқиши давомида унинг энг яхши томонларини кўради ва ўқиш жараёнида касбнинг мураккабликлари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиб боради. Уюлмаган ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳати шундаки, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш билан боғлиқ³. Шу сабабли ҳам касбий танловларнинг ўзгаришини табиий ҳол деб қараш керак. Бу муаммонинг ечими талабаларга ўқиш давомида йўналишини ўзгартириш имкониятини яратишдир. Америка Қўшма Штатларидаги олий таълим тизимида талабаларга 1-2-курсга қадар умумий билимларни ўзлаштириш ва кейинчалик маълум бир тор мутахассислик бўйича ўқиш имконияти берилган⁴. Бу эса, ўз навбатида, талабаларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича маълум бир тасаввурга эга бўлиш, турли ҳаётини вазиятлар ва яқинларининг таклиф-тавсияларини эътиборга олган ҳолда мутахассисликларини ўзгартириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котибининг расмий канали: https://t.me/Press_Secretary_Uz/1357
2. Как привлечь абитуриентов на бизнес-факультет РЭУ им.Плеханова: <https://thetargeting.ru/kapitanyi-rossii2> Мурожаат этилган сана: 22.04.2022 й.
3. Abdumalikovich, E. A. (2018). Innovative methods of working with unorganized youth. European science review, (9-10-1), 259-260.
4. Как устроено высшее образование в США: основные отличия от российской системы: <https://www.educationindex.ru/articles/higher-education-in-the-usa/education-system-in-the-usa/kak-ustroeno-vysshee-obrazovanie-v-ssha-osnovnye-otlichiya-ot-rosiykoy-sistemy/> Мурожаат этилган сана: 22.04.2022 й.

3 Abdumalikovich, E. A. (2018). Innovative methods of working with unorganized youth. European science review, (9-10-1), 259-260.

4 Как устроено высшее образование в США: основные отличия от российской системы: <https://www.educationindex.ru/articles/higher-education-in-the-usa/education-system-in-the-usa/kak-ustroeno-vysshee-obrazovanie-v-ssha-osnovnye-otlichiya-ot-rosiykoy-sistemy/> Мурожаат этилган сана: 22.04.2022 й.